

Президент Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Санкт-Петербургда бўлиб ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Евроосиё тараққиёт банки билан инфратузилма, энергетика, металлургия, кимё ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилганини эътироф қилди.

Шу билан бирга, савдо тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорликни кучайтириш орқали ЕОИИ билан муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлигига урғу берди.

Ўзбекистон ЕОИИ технологик платформалари ҳамда туризм соҳасида интеграциялашган ахборот ресурсини шакллантиришга ҳам қўшилишга тайёлигини маълум қилди.



№98 (951)
2025 йил 23 декабрь,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Президент ташрифидан сўнг...

Пойтахт кўчаларидан бошланган тараққиёт:

Рихсийда маданият, туризм ва бизнес уйғун ўсади

Маҳалладаги кўчангизнинг хавфсиз, ёруғ ва ўзгача бўлиши кайфиятингизга таъсир қиладими? Тунги чироқлар ёруғида фарзандининг қўлидан тутиб сайрга чиққан ота-онани кўз олдингизда гавдалантиринг. Қаҳва ичиб, чақчақлашиб ўтирган дугоналарнинг шўх кулгуси эшитилиб кетсин.

Бу каби манзараларни ривожланган мамлакатларнинг дунё тан олган фильмларида кўрганлар кўп. Ҳа, дунё тажрибасида бундай гастронимик, туну-кун ишлайдиган кўчалар бор. У жойлар ҳамиша гавжум бўлади. Одам бор жойда ҳаёт бор, ҳаёт бор жойда эса иқтисодий фаоллик жадал бўлади.

Ўзбекистон пойтахтида ҳам кейинги йилларда бундай кўчалар сони кўпайиб қолди. Яқинда уларнинг қаторига Юнусобод туманидаги Рихсий кўчаси ҳам қўшилди.



2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Вазир ўринбосари Озода Жўраева Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Нафосат маҳалласи 8-мавзедаги 23 та уйга хизмат кўрсатувчи “Есо home 777” БСК фаолиятини ўрганди. Кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида жойлашган компанияда ишчи-ҳодимларга яратилган шароит, 24/7 диспетчерлик хизмати ва мурожаатларни қабул қилиш тартиби кўздан кечирилди.

Ўрганиш давомида бир қатор ҳолатлар танқид остига ҳам олинди. Хусусан, компания иш тақсимидаги тўғри ташкил этилмаганлиги, бошқарув механизмига катта эътибор қаратилиб, ижро этувчиларнинг сони етарли эмаслиги қайд этилди. Шу билан бирга, ҳар бир уйнинг кириш йўлакларидан компания билан боғланиш рақамлари мавжуд бўлиши, совуқ шароитда аҳоли сарсон бўлмас-



лиги, уйдан туриб мурожаатларини билдиришига шароит яратиш лозимлигига урғу берилди. Иккинчи манзил Чилонзор туманидаги 69 та уйга хизмат кўрсатувчи “Comfort universal trade” БСК бўлди. Компаниянинг белгиланган имкониятлардан фойдаланмаётгани, кўшимча даромад манбаларини оши-

ришга ҳаракат қилмаётгани, бошқарув биносидан хавфсизлик ва санитар нормаларга амал қилинмаётганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, “Maks qur-lider” БСК ҳам Чилонзор туманидаги 38 та уйга хизмат кўрсатади. Озода Жўраева ушбу компаниянинг мавсумга шайлигини,

моддий-техника базасини ва бинода ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароит билан танишди. Мурожаатларни қабул қилиш ва авария-диспетчерлик хизмати ўрганилди. Қорли ҳавода масъулиятни икки қарра ошириш, аҳоли ҳолидан хабар олиш ва уларга хавфсиз шароит яратиш лозимлиги қайд этилди. Шу билан бирга, компанияга кўшимча сервис хизматларни ошириш, ҳодимлар малакасини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди.

Мутасаддилар Чилонзор туманидаги 5-Иссиқлик маркази фаолияти билан ҳам танишдилар. Марказ 60 маҳалла, 921 та кўп қаватли уй, 155 та ижтимоий соҳа объектини иссиқлик энергияси билан таъминлаб келади. Вазир ўринбосари иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа объекти ва кўп қаватли уйларга узатиш ишлари билан танишди. Туну кун авария-диспетчерлик хизмати фаолияти ўрганилди. Аҳолини барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлаш юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

2-бет

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

“O'ZBEKISTON BUNYODKORI” газетасига

2026 йил учун

обуна давом этмоқда!

Келгуси йили ҳам газета саҳифаларида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, йўл қурилиши, транспорт, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳалари, илғор ва тажрибали қурувчи ҳамда меъморлар, жаҳон архитектураси тўғрисидаги мақолалар, ҳолис ва тезкор ахборотлар, қизиқарли хабарларни ўқишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ!

Фаолиятингиз ривожига ҳисса қўшишда муҳим манба ҳисобланган “O'zbekiston bunyodkori” газетасига обуна бўлинг!



ФУРСАТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

Мурожаат учун телефон рақамлар:
**71-241-01-29,
71-208-12-00.**

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Сўрхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Жарқўрғон туманида жойлашган “Боботоғ” магистрал канални модернизация қилиш ва канал иншоотларини қайта тиклаш объектида белгиланган тартибда мониторинг тадбирлари амалга оширилди.

Мониторинг жараёнида ирригация объектида олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишларининг тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, амалдаги қурилиш меъёрлари ва техник регламентлар талабларига риоя этилиши ҳолати атрофлича ўрганилди. Шунингдек, бажарилаётган ишлар сифати, қурилиш жараёнида техник назорат ҳамда меҳнат хавфсизлиги талабларига амал қилиниши ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Инспекция мутахассислари томонидан аниқланган ҳолатлар юзасидан масъул ташкилотларга тегишли тавсиялар ва кўрсатмалар берилди.



2-бет

Пойтахт кўчаларидан бошланган тараққиёт:

Рихсийда маданият, туризм ва бизнес уйғун ўсади

◀1-бет

Давлатимиз раҳбари 16 декабрь куни шу кўчада амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ва замонавий инфратузилмани кўздан кечирган эди. Президент ташрифидан сўнг руkning бу галгиси шу маскандан тайёрланди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда туризм йўналишида икки мингдан ортқ янги тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, ўтган йили юртимизга хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор ўн миллион нафардан ошди. Бу кўрсаткич туризм инфратузилмасини шаҳар ва ҳудудлар кесимида тизимли равишда ривожлантириш заруратини янада кучайтирмоқда. Чунки сайёҳ нафақат тарихий обидаларни, балки шаҳар ҳаётининг қулайлиги, хавфсизлиги ва хизмат сифатига ҳам эътибор қаратади.

Бутунги кунда Тошкент шаҳрининг бир қатор ҳудудларида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, замонавий инфратузилма лойиҳалари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу жараён халқаро талабларга жавоб берадиган “фаол шаҳар макони” деб аталадиган ёндашув билан уйғун. Барселона, Сеул, Лондон ва Истанбул каби шаҳарларда шундай кўчаларни кўрганман дейди шу ерда сайр қилиб юрганлар. Ҳа, бу ҳудуд маҳаллий аҳоли учун дам олиш жойи, тадбиркорлар учун эса барқарор даромад манбаига айланади.

Маъмур кўчада аҳоли учун туну-кун хавфсиз, қўлай ҳамда маъмули дам олиш, сайр қилиш ва овқатланиш имкониятлари яратилган. Бу эса шаҳар инфратузилма-

сини одамлар эҳтиёжлари асосида режалаштиришнинг амалий намунаси.

– Президентимиз пойтахтда туризм ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, – деди Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Дониёр Юсупов ўзА мухбири Марҳабо Хожикабаровага. – Рихсий кўчасидаги бу тажриба пойтахтимизда биринчиси эмас. Бундан олдин Миробод, Олмазор, Чилонзор, Яккасарой ва Янгиҳаёт туманларида бир қатор гавжум кўчалар замонавий қиёфага келтирилган. Уларга туманимиз аҳолиси ҳам хавас қилгани рост. Маълумотларга кўра, пойтахтда 26 та кўчани 24 соат ишлайдиган фаол шаҳар маконларига айлантириш, шунингдек, туну-кун хизмат кўрсатадиган савдо ва сервис нуқталарини мингтага кўпайтириш режалаштирилган. Бу кўчада амалга оширилган ишлар ана шу кенг қўламли ишларнинг бир қисми саналади. Бу ерда энди сайллар, байрамлар ўтказамиз. Умуман, ҳаммаша гавжум ва кўтаринки кайфият ҳукмрон ҳудуд бўлади. Ушбу кўчага ёндош ҳудудларда бешта йирик маҳалламиз жойлашган. Уларда 37 минг нафардан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Демак, амалга оширилган ҳар бир ўзгариш минглаб одамларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади.

Кўчанинг илғор тажрибалар асосида модернизация қилиниши аҳоли кундалик эҳтиёжларини қондириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Хусусан, ҳудуднинг икки километрлик қисмида муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тубдан янгиланди. Шунингдек, 24 соат фаолият юрита-

диган савдо, умумий овқатланиш ҳамда кўнгилчоар объектлар ташкил этилди.

Натижада 650 та янги иш ўрни яратилди. Бу маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Таҳлилларга кўра, шундай фаол шаҳар кўчалари хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини энг тез яратадиган инфратузилма ечимларидан бири ҳисобланади.

Ҳудудда кунига ўртача 35 мингга яқин автотранспорт воситаси ҳаракатланади. Бунининг олган ҳолда, аҳоли хавфсизлиги ва ҳаракат қулайлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Пиёдалар йўлаклари барпо этилди.

Юзга яқин видеокузатув камералари ҳамда ўнга яқин фавкулда қақиров тугмалари ўрнатилган. Бу чоралар жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўлиб, кўчада одамлар кеча-кундуз эркин ҳаракатланиши учун ишонч муҳитини яратади.

Кўча атрофидаги таълим муассасалари, мактабгача таълим ташкилотлари, банк хизматлари ва кичик савдо объектлари, кўп қаватли турар жой биноларининг фасад қисмлари замонавий меъморий талаблар асосида таъмирланди. Бу эса кўчанинг умумий қиёфасини яхшилаш билан бирга, шаҳар маданияти ва эстетикасини ҳам янги босқичга олиб чиқмоқда.

Бу тажриба маҳалла, сервис ва транспорт инфратузилмасини уйғун ривожлантириш орқали шаҳар ҳаётида янги руҳ пайдо бўлишини исботламоқда. Рихсий кўчаси мисолидаги ёндашув пойтахтнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич кенг қўлланилишига ишонамиз.

◀1-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Президентимиз жорий йилнинг 17-октябрида Касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувида ҳар бир вилоятда “Касаба уюшмалари боғи”ни ташкил қилишни таклиф қилган эди. Ушбу ташаббус ижроси жоирасида Урганч туманининг шаҳарга чегарадош ҳудудида 20 гектар майдонда ана шундай боғ яратилди.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мутахассислари томонидан лойиҳаси яратилиб, қурилиш ишлари амалга оширилган маъмур боғнинг очилиш маросимида нуронийлар, меҳнат фахрийлари, касаба уюшмалари фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов ҳам қатнашиб, янги боғнинг ташкил этилиши, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди.



Маълумот учун, “Касаба уюшмалари боғи”га воҳанинг тулроқ ва иқлим шароитига мос 35 минг тул энг сара дарахт кўчатлари ўтказилган. Боғ марказида эса меҳнатни улуғловчи рамзий стелла ўрнатилган.

Бундан ташқари, боғ ҳудудида юриш ва югуриш йўлаклари, айвонлар ташкил қилинган бўлиб, меҳнаткашларнинг дам олишлари, соғлом турмуш тарзини олиб боришлари учун барча шароит яратилган.

◀1-бет

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Қурилаётган объектларда лойиҳа тасдиқлангандан кейин ўнга қўшимча ўзгаришлар киритиш тақиқланади. Ушбу талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 декабрдаги 236-сонли фармонида асосан белгиланиб, 2026 йил 1 январдан қўча қиради.

Хусусан, қурилиши бошланган кўп квартирали уй-жой биноларига қўшимча қават қўйиш, бинолар баланглигини ошириш, шу мақсадда шаҳарсозлик ҳужжатларини қайта ишлаб чиқиш, архитектура-шаҳарсозлик кенгашларида қайта қўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда қайта рўйхатдан ўтказиш тақиқланади. Шунингдек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияларидан белгиланган тартибда руҳат олинмасдан қурилаётган объектларни ташқи муҳандислик тармоқларига улаш тақиқланади.

Барча қурилиш ташкилотлари фақат тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида иш олиб бориши шарт. Талабларга риоя этилмаган тақдирда, қурилиш ишлари белгиланган тартибда тўхтатилиб, қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 августдаги 278-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги 602-сон қарорлари ижроси доирасида кўп квартирали уйларда қиш мавсумида иситиш қондаларига риоя этилиши юзасидан мониторинг ишлари олиб борилади.

Текширувлар Фарғона шаҳридаги Экошаҳар массиви ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда ўтказилди. Мониторинг натижасида 39-кўп квартирали уйда айрим мулкдорлар томонидан хонадон ичида ўзбошимчилик билан иссиқ пол тизими ҳамда қўшимча иссиқ сув айлантирувчи насослар ўрнатилгани аниқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатмалар берилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси асосида маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, иш ҳужжатлари суд органларига юборилиши юзасидан тушунтириш берилди.



САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан “Аҳолига тақдим этилаётган чакана хизматлар: сарҳисоб ва режалар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк бошқаруви раҳбарияти, мижозлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирда таъкидланганидек, юртимизнинг миллий банк тизими сўнгги йилларда аҳоли учун қўлай ва ишончли соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Бунинг жорий йилнинг 15 декабрь кунини Президент Шавкат Мирзиёев капитал бозорини янада ривожлантириш ҳамда банк соҳасида халқаро стандартларни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишуви давомида қайд этилган натижалар ҳам тасдиқлаб

турибди. Жумладан, банк соҳасидаги ислохотлар доирасида сўнгги етти йилда тижорат банклрининг активлари 5,3 баробар ўсиб, 877 триллион сўмдан ошди. Фаолият олиб бораётган банклар сони 35 тага етди ва 2017 йилдан бери Ўзбекистонда 3 та хорижий банк фаолияти йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, аҳолига таклиф этилаётган замонавий хизматлар жозибадорлиги ошиб, соғлом рақобат муҳити



юзага келди. Бу эса, мижозларда танлаш имкониятини ошираётгани билан аҳамиятлидир. “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ҳам ушбу тенденциялар ва замонавий талабларга тезда мослашиш, кескин рақобат муҳитида мижозларга янада кўпроқ қулайлик яратиш орқали ишончларини мустаҳкамлашга мунтазам эътибор қаратмоқда. Айни йўналишда амалга оширилаётган чоралар ва уларнинг натижалари хусусида банкнинг Чакана бизнес департаменти директори Умид Алимов ўз тақдиротида қуйидаги маълумотларни берди:

– Банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясидаги уч асосий элемент: мижоз, махсулот ва каналлар бўлиб, бутунги

тақдимот айнан махсулотлар йўналишини қамраб олади. Бутунги кунда юртимиз бўйлаб банкнинг 1 та ипотека маркази, шунингдек, 60 та банк хизматлари офиси ҳамда банк хизматлари марказлари мавжуд бўлиб, мижозлар учун 539 та банкомат хизмат кўрсатмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзига 24 та янги хизматлар жорий қилиш ҳисобига Чакана бизнес йўналишидаги махсулотлар сони 49 тага етказилди. Шундан, кредит махсулотлари 23 та, омонатлар 5 та, банк карталари 11 та, халқаро пул ўтказмалари ва SWIFT каби хизматлар 10 тани ташкил этмоқда. 2025 йилнинг 1 декабрь ҳолатига жами ажратилган чакана кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 83 фоизга ўсиб, 3 триллион 949 миллиард сўмга етказилди. Аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар эса шу даврда 255 фоизга ўсиб, 1 триллион 126,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Ўз навбатида, чакана кредит портфели қолдиги 19 фоизга ўсишига эришилди ва 1 декабрь ҳолатига 13,6 триллион сўмни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, матбуот анжуманида ҳисобот даврида жами ажратилган чакана кредитлар сони бўйича ҳам ўсишга эришилгани маълум қилинди. Хусусан, 2024 йил 1 декабрда бу хизмат мижозлари 62 181 нафарни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 101 043 нафарга етди, бу борада 62 фоизлик ўсиш қайд этилди. Аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилган кредитлардан фойдаланганлар сони ҳам 37 348 нафарга етди ва ўсиш динамикаси 75 фоизга тенг бўлди. Аҳа-



миятлиси, онлайн хизматлар йўналишида ҳам илҳобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, ажратилган онлайн микроқарзлар борасида ўсиш 93 фоизни ташкил қилиб, умумий микдори 80,3 миллиард сўмга етди.

Булardan ташқари, қўрилаётган чоралар ва тарғибот тадбирлари орқали аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, ҳисобот даврида омонатлар қолдиги, 94 фоизга ўсиб, 3 триллион 850 миллиард сўмга етди. Шу даврда аҳолидан жалб қилинган мулдатли омонатлар ҳажми 4 триллион 999 миллиард сўмни ташкил қилди. Шу билан бирга, ўтган даврда 152 887 донa HUMO, 118 317 донa UzCARD ҳамда 41 699 донa Visa банк карталари эмиссия қиланган ва бу борада ҳам мос равишда 33, 158 ва 79 фоизлик ўсиш қайд этилди. 2024 йил 1 декабрь ҳолатига 322,7 миллион AҚШ долларини микдоридa халқаро пул ўтказмаларига оид амалиётлар бажарилган бўлса, бу кўрсаткич ҳам сезиларли яхшиланиб, жорий йилнинг мос даврида 522, 9 миллион AҚШ долларини ташкил қилди.

Матбуот анжуманида “BRB Mobile” иловаси ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, мижозларга таклиф этилаётган махсулотлар ҳажми ва сифатини оширишга қаратилган изланишлар натижасида доимий фойдаланувчилар сони 682 мингдан ошгани қайд этилди. Илоада амалга оширилган транзакциялар сони 5 956 708 тани ташкил қилиб, уларнинг умумий микдори 4 триллион 651,2 миллиард сўмга, қўрилган фойда эса, 25 миллиард 550 миллион сўмга

етди. Анжуманда иловадан фойдаланиш бўйича яна қўшимча маълумотлар, шунингдек, “BRB Mobile” ҳамда “Mening Buyurtmam” платформалари юзасидан банк мутахассислари томонидан атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, иштирокчилар янги – “Chempion”, “Sherdor” карталари ва бошқа янги хизматлар ҳамда истикболда қўзда тутилаётган лойиҳалар, хусусан, 2026 йилда тақдим этилиши режалаштирилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам маълум олишди.

– Кредит йўналишида 2026 йилда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган, – деди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Чакана бизнес бош директори Феруз Хўжаев. – Хусусан, ўз-ўзини банд қилган шахсларга кредит тизим – “Ягона ойна” СРМ дастури орқали скоринг параметрларини аниқлаш ва автоматик қарор қабул қилиш механизмини яратиш. Рақамли Имзо (Q-код) тасдиқлаш – кредит ва кафилият шартномалари банк тармоқлари менежерлари томонидан электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш тизими. Иккиламчи автокредит махсулоти – кредит ва кафилият шартномаларини банк тармоқлари менежерлари томонидан электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш тизими. Кредит карта лойиҳаси – мижозларга қулайлик яратиш ва имкониятларини кенгайтириш учун янги кредит карта махсулоти ишлаб чиқиш. Сунъий Интелект ёрдамида сотувни ўстириш – сунъий интелектдан фойдаланган ҳолда банк кредит махсулотлари сотиш ҳажмини ошириш тизимлари шулар жумласидандир.



Сифатли ичимлик суви билан таъминлаш тизими такомиллашмоқда

Ақром ЛАТИПОВ,
Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Бугунги кунда Тошкент вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда оқова сувларни тозалаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Аҳоли сонининг ортиб бориши, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожи сув ресурсларига бўлган талабини ошираётган бир пайтда, соҳада янги технологияларни жорий этиш муҳим вазифалардан бирига айланди.

Тошкент вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида магистрал ва тақсимловчи қувурлар bosқичма-bosқич янгиланмоқда. Хизмат муддатини ўтаб бўлган эски қувурларни замонавий, коррозияга чидамли материаллар билан алмаштириш ҳисобига сув йўқотишлари камайиб, аҳолига етказиб берилаётган сув сифати ошмоқда. Сувни тозалаш иншоотларида замонавий филтрация тизимлари, автоматлаштирилган назорат ускуналари жорий этилган. Жумладан, қумли ва мембранали филтрлар, ультратинафша нурлар ёрдамида зарарсизлантириш технологиялари ичимлик сувининг санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминламоқда.

Оқова сувлар тизимини модернизация қилиш ҳам вилоятдаги устувор йўналишлардан биридир. Айрим ҳудудларда мавжуд тозалаш иншоотларини реконструкция қилиниб, биологик тозалашнинг янги усуллари жорий этилмоқда. Аэротенклар, биофилтрлар ва актив лой технологиялари орқали оқова сувлар атроф-муҳитга зарар етказмасдан қайта ишланаяпти. Шунингдек, саноат корхоналарида маҳаллий тозалаш қурилмаларини ўрнатиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Бу орқали ишлаб чиқариш жараёнидан чиққан зарарли моддалар умумий канализация тизимига тушишидан олдин нейтраллаштирилади.

Сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, ичимлик ва оқова сувлар тизимида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашда ҳудудий инспекция муҳим ўрин тутати. Инспекция томонидан сув иншоотларининг техник ҳолати, тозалаш жараёнлари, сув сифати кўрсаткичлари ҳамда оқова сувларни чиқариш меъёрларига риоя этилиши мунтазам назорат қилиб борилади. Хусусан, мутахассислар томонидан сув таъминоти корхоналари, саноат объектлари ва йирик аҳоли пунктларида режали ҳамда режадан ташқари текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилади. Бу эса сув ресурсларини муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳудудий инспекция янги технологияларни жорий этиш жараёнларида ҳам фаол иштирок этиб, лойиҳаларнинг амалий самарадорлиғи ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолайди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида сувдан тежамкор фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган таушунтириш ишлари ҳам инспекция фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Сув хўжалигида рақамли технологияларни жорий этиш соҳада самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда. Масофавий мониторинг ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ёрдамида сув босими, сарфи ва сифати доимий назорат қилинади. Бу авария ҳолатларининг олдини олиш, хизмат кўрсатиш харажатларини камайитириш имконини беради. Айрим ҳудудларда “ақлли ҳисоблагичлар” ўрнатилиб, аҳоли истеъмол қилаётган сув ҳажмини аниқ ҳисобла олиш йўлга қўйилмоқда. Натижада сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш маданияти шаклланимоқда.

Янги технологияларни жорий этиш нафақат ичимлик суви сифатини яхшилайд, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам хизмат қилади. Тозаланган оқова сувларни техник эҳтиёжлар ёки яшил ҳудудларни суғоришда қайта ишлатиш амалиёти bosқичма-bosқич йўлга қўйилмоқда. Келгусида Тошкент вилоятида сув таъминоти ва канализация тизимларини тўлиқ модернизация қилиш, энергия тежамкор ва экологик тоза



технологияларни кенг жорий этишда ҳудудий сув инспекцияси томонидан назорат ва мувофиқлаштириш ишлари янада кучайтирилиши режаланитирилган.

Шу мақсадда Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариш ҳамда тозалаш бўлими томонидан жорий йилнинг 11 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, инспекция томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш йўналиши бўйича санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича 1942 та таҳлил намуналари олиниб, шундан, 65 та ҳолатда ичимлик сувининг белгиланган миллий стандарт талабларига жавоб бермаслиғи аниқланди.

Шунингдек, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишда жами 578 та ноқонуний ҳолат аниқланган бўлиб, 553 та ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланмишлар ҳамда 25 та ҳолатда ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш ёки назорат тамгалари (пломба)га шикаст етказиш ҳолатлари шулар жумласидандир. Бунинг натижасида қоидабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 55 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланган. Аниқланган ноқонуний ҳолатлар ва қоидабузилишлар юзасидан 578 та ҳуқуқбузарга нисбатан 1 293,9 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ўтказилган ўрганишларда ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний уланмишлар натижасида аниқланган 12 та 7093,0 миллион сўмлик ҳолатлар бўйича материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Бундан ташқари, 406 та бюджет ташкилоти ўрганилганда, 59 та ҳолатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганлиғи аниқланди ҳамда қоидабузарларга нисбатан 91,4 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ер ости ичимлик суви қудуқларини эксплуатация қилишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши юзасидан 517 та ўрганиш олиб борилиб, 488 та камчилик аниқланди. “Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали тадбиркорлик субъектларида ўтказилган 38 та назорат тадбир давомида аниқланган 33 та камчилик бўйича МЖТКнинг тегишли моддалари билан 33 та 135,1 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш соҳасида ижтимоий тармоқлар ҳамда МФЙларда 252 та тарғибот ишлари олиб боришган. Тарғибот тадбирлари ва ўрганиш ишлари ҳамон давом этмоқда.

ТОЗА СУВ – СОҒЛОМ ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Турсун ЭРҒАШЕВ,
Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Сув – ҳаётнинг асосий манбаи, инсон саломатлиги ва жамият тараққиётининг муҳим омилidir. Бугунги кунда дунё миқёсида сув ресурсларини тежаш ва ундан оқилонга фойдаланиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани натижасида тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Жиззах вилояти географик жойлашувига кўра сув манбаларига нисбатан чекланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Вилоятда асосан, Зарафшон ва Сангзор дарёлари ҳамда сув омборлари орқали сув таъминоти амалга оширилади. Бироқ, иқлимнинг иссиқи, ёмғир миқдорининг камийиши ва аҳоли сонининг ортиши



туфайли сўнгги йилларда ичимлик сувига бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошган.

Шу боис, Жиззах вилоятида сув ресурсларини оқилонга бошқариш, сувни тежаш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги

соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудудий назорат инспекцияси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда ҳудудлардаги истеъмолчиларга узатилаётган тоза ичимлик сувининг сифатини ўрганиш бўйича жорий йилнинг 11 ойи давомида 1858 та таҳлил намунаси олинди. Шундан, 4 та ҳолатда ичимлик сувининг сифати талаб даражасида эмаслиғи аниқланди ва мазкур камчиликлар сув таъминоти корхоналари томонидан бартараф этилди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ – ҲАР БИР ХОНАДОНДА ОБИ ҲАЁТ

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида “Тоза сув” давлат дастури доирасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2025 йил давомида вилоятда 185,7 километрдан ортик ичимлик суви тармоқлари ҳамда 18 та ичимлик суви иншоотини қуриш ва модернизация



Халқ розилиғи – лойиҳалар бош мақсади



Беҳзод АҲМАДҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жорий йилда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Гулистон ва Сайхунобод туманлари ва Янгйер шаҳрида ичимлик сув таъминоти ҳамда 5 та туман марказида оқова суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2022 йил 10 мартдаги ПҚ-159-сонли қарори ҳамда 2023 йил 21 сентябрдаги Вазирилр Маҳкамасининг 486-сонли қарори ижроси бўйича 117 та ичимлик суви олиш қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш, 121 та ичимлик суви минорасини тиклаш, 473 километр ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, 1 та ичимлик сув насос станциясини реконструкция қилиш, 5 та умумий қуввати 16 700 м³/сутка оқова сув тозалаш иншоотини қуриш, 232,2 километр оқова сув тармоқлари қуриш ва реконструкция қилиш, 21 та янги оқова сув насос станцияси қуриш белгиланган эди.

Бу лойиҳалар 2023-2027 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, лойиҳалар ва техник назоратчи сифатида ичимлик суви йўналишида “Posch & Partner GmbH” (Австрия)

компанияси, оқова сув йўналишида эса “Aim Texas Trading, LLC” Overseas Management Group – AIMONG (АҚШ) танланган. Ҳозирга қадар тендер савдолари якуни бўйича жами 16,77 миллион долларга тенг 8 та шартнома имзоланган. Айни пайтда 12 та қурилиш пакетидан 2 тасида қурилиш ишлари олиб боришмоқда, 8 тасида лойиҳа ва тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, 2 та лойиҳа таркибида янги ҳудудлар аниқланди.

Ушбу лойиҳалар тўлиқ амалга ошса, ҳудуддаги жами 78 та МФЙда истиқомат қилувчи аҳолига марказлашган хизматлар кўрсатилади ҳамда шаҳарнинг санитар-эпидемиологик ҳолати яхшиланади. Натижада ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси Сирдарё туманида 72,6 фоиздан 88,6 фоизга, Гулистон туманида 70,7 фоиздан

94,9 фоизга, Сайхунобод туманида 67,8 фоиздан 91,8 фоизга, Янгйер шаҳрида 76,8 фоиздан 92,0 фоизга етказилади. Оқова сув бўйича эса таъминланганлик даражаси Боёвут туманида илк бор 12,1 мингта, Гулистон туманида илк бор 10,4 мингта, Сардоба туманида илк бор 19,9 мингта, Оқолтин туманида 0,3 мингдан 22,6 мингта, Сирдарё туманида илк бор 23,1 мингта етказилади.

Шунингдек, лойиҳа доирасида ичимлик суви йўналиши бўйича Гулистон шаҳар “Шимолий” насос станциясидан Янгйер шаҳар “Шодлик” насос станциясигача магистраль қувур ва Янгйер шаҳрида магистраль тармоқларини қуриш ҳам кўзда тутилган. Пулратчи “TANA Eneerge and Effective Engineering LLC” ҚҚ, шартнома қиймати Д-630 мм қувурларни пайвандлаш ишлари 3645 п.м бажарилган. Бундан ташқари, 1,475 километр траншеяга ётқизилган. Шу билан бирга, Янгйер шаҳар, Сайхунобод, Сирдарё ҳамда Гулистон туманларида сув таъминоти тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

ция қилиш ишлари олиб борилиб, янги филтрация тизимлари ўрнатилди. Бу чоралар аҳолига етказилаётган сувнинг сифатини янада яхшиламоқда. Натижада жорий йил якунига қадар тоза ичимлик сув қамрови 73,8 фоиздан 76,2 фоизга ошиши кўзда тутилган.

Давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар қанчалик самарали бўлмасин, ҳар бир фуқаронинг масъулиятли муносабатисиз қутилган натижага эришиб бўлмайди. Бу борада жорий йилнинг 11 ойи давомида ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари соҳасида ҳудудий инспекциянинг масъул ходимлари ва ичимлик сув таъминоти корхоналари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд тадбирлари давомида 515 ҳолатда 1497,7 миллион сўмлик ноқонуний ҳолатларни содир этган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди.

СУВНИ ТЕЖАШ – МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ ҲАМДИР

Жиззах вилоятида жорий йил даврида Маҳаллалар уюшмаси ва Инспекция ўртасида имзоланган Меморандум асосида ҳудудлардаги маҳаллаларда, ижтимоий соҳа объектлари ва бюджет ташкилотларида ҳудудий инспекциянинг ташаббуси билан “Сув – ҳаёт манбаи” мавзусида 360 маротаба тарғибот тадбири ўтказилди. Шу билан бирга, телевидения ва ижтимоий тармоқларда, газета ва журналларда тарғибот тадбирлари олиб борилиши натижасида аҳолининг сувга бўлган эътибори ва эҳтиёткорлик маданияти шаклланимоқда.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар ва ташаббуслар сув таъминоти соҳасида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Зеро, ҳар бир фуқаро сувнинг қимматини англаб, ундан оқилонга фойдаланса, ҳеч бир ҳудудда сув танқислиги бўлмайди.

Тоза сув – бу соғлом ҳаёт, фаровон келажақ ва Ватан равнақининг гаровидир.

Мавсум қандай ўтмоқда?

Баҳром БОЙҚУЛОВ, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлигининг коммунал соҳа бўйича ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 декабрдаги “Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-468-сонли қарори, Президентимизнинг 2025 йил 22 июль куни вилоятга қилган ташрифи давомида берилган топшириқлар ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Жиззах вилоятидаги кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, уларнинг атрофини қўаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини қийнаб келаётган бошқа муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 2025 йил 30 июлдаги қарорининг ижроси ва мавсумга муносиб тайёргарлик кўриш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги №453-сонли қарори ижроси юзасидан Жиззах вилоятидаги кўп квартирали уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича 2,9 миллиард сўм бошқарув органлари маблағлари ҳисобидан 234 та уй-жойлардаги 101 та уйда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 декабрдаги “Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-468-сонли қарорининг 6-иловасига асосан,

вилоятда 2025-2026 йилларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш, жумладан автомобиль йўллари, оқова ва ичимлик суви, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари шаҳар ва туман ҳокимларининг тақлифига асосан манзилли рўйхати шакллантирилган. Ушбу рўйхатда уй-жой коммунал хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 2025 йилда амалга ошириладиган ишлар учун 81 615,0 миллиард пул маблағлари республика бюджетидан ажратилган. Ушбу пул маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 265 та кўп квартирали уйни хизмат турларига кўра таъмир-



лаш ишлари белгиланган. Таъмирлаш ва тиклаш ишлари ҳозирги кунда ҳам давом этапти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 июль куни Жиззах вилоятига қилган ташрифи давомида берилган топшириқлар ҳамда Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг “Жиззах вилоятидаги кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, уларнинг атрофини қўаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини қийнаб келаётган бошқа муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорининг ижроси бўйича ҳам ишлар давом этмоқда. Хусусан, бунинг учун 200 (икки юз) миллиард сўм ссуда маблағлари ажратилган

бўлиб, ушбу маблағларнинг 182 191,0 миллиард сўми кўп қаватли уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан шакллантирилган манзилли рўйхат асосида жами 1037 та кўп квартирали уйни хизмат турларига кўра таъмирлаш ва фасад қисмини базальт билан қоплаш мақсадига йўналтирилган.

Бундан ташқари, ушбу қарор натижасида Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 2025 йил 30 июлдаги қарори билан шаҳар ва туманларда таъмирланиши лозим бўлган объектлар сонига ҳам ўзгаришлар вужудга келган. Ижтимоий соҳа объектларида ҳам қўшимча қарор билан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг “Жиззах вилоятидаги кўп кварти-

рали уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва аҳолини қийнаб келаётган бошқа муаммоларни бартараф этиш юзасидан тасдиқланган дастурлардаги ишларнинг таҳлили ҳамда қўшимча дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан Арнасой туманида 1 та мактаб, Бахмал туманида 4 та мактаб, Зарбдор туманида 74 та кўп квартирали уй, Зомин туманида 47 та кўп квартирали уй, Шароф Рашидов туманида 1 та мактаб, 1 та боғча, 1 та поликлиникани таъмирлаш ишларини бошлаш учун қўшимча дастур шакллантирилган.

Юқоридаги дастурларнинг ижроси юзасидан ўтказилган танқидий таҳлил натижаларига кўра, таъмирлаш-тиклаш ишларини тез орада якунлаш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Замондошларимиз

Шаҳарсозлик фанига бағишланган умр

Собир БОБОЕВ, Карим ҒАНИЕВ,
Техника фанлари докторлари, СамДАҚУ профессорлари.

Қадимий Самарқандни бутун дунё билади. Шаҳар тарихи ва маданияти билан азалдан тилга тушган. Ўтмиши шарафли кечган бу юртининг бунарамандлари, тадбиркорлари меҳнат махсуллари билан Шарқу Ғарбни қойил қолдирган. Кўҳна кентдан Буюк ипак йўлининг ўтганлиги эса ҳудудда илм-фан тараққиётига, қурилиш ва саноат, бунёдкорлик ривожига хизмат қилган.

Мустақиллик даврида амалга оширилган Самарқанд ҳаётидаги ўзгаришлар жаҳон аҳлини хайратга солмоқда. Айниқса, қурилиш-бунёдкорлик соҳасидаги ишлар эътиборга тушди. Бу борада Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети жамоасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Олийгоҳда илм-фан ривожини йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган олимлар талайгина. Улардан бири, шаҳарсозлик соҳасида техника фанлари бўйича республика миқёсида биринчи фан доктори, профессор Илҳомжон Шукуровдир.

Айни пайтда кутлуг 70 ёшини қарши олаётган техника фанлари доктори Илҳомжон Шукуров Россия архитектура ва қурилиш академияси маслаҳатчиси (РААСН), академик, Россия табиий фанлар академияси (РАЕ) профессори ҳамдир.

Илҳомжон Шукуров 1973 йилда ўрта мактабни олтин медал билан тугатган. Ёшлиги меҳнатда тобланган Илҳомжон Шукуров 1978 йилда В. Куйбышев номидаги Москва қурилиш муҳандислик институтининг шаҳар қурилиш мутахассислигини тугатди ва йўлланма орқали Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига меҳнат фаолиятини бошлади. 1986 йилда техника фанлари номзоди, профессор Р. Ф. Лукашук илмий раҳбарлигида “Ўзбекистоннинг муҳим шаҳарсозлик муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1986–1993 йилларда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига катта ўқитувчи, кафедра мудири, 1994–1995 йилларда катта илмий ходим лавозимида ишлади. 1994 йилда докторлик диссертациясини тугатди. Аммо, ўша даврдаги иқтисодий ва сиёсий шароит туфайли ҳимоя қилишнинг имкони бўлмади.

1996–1999 йилларда “Экоимфал” илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг директори лавозимида ишлади. Шу даврда Самарқанд вилоятининг корхоналари учун зарур бўлган 100 дан орტიқ экологик норматив ҳужжатларини тайёрлаб берди. 1999–2003 йилларда Самарқанд шаҳар табияти муҳофаза қилиш инспекцияси раҳбари лавозимида тайинланди. 2004–2007 йилларда Россия Фан ва олий таълим вазирлигининг тақлифига биноан, Москва давлат қурилиш университетининг Шаҳарсозлик кафедраси докторантлари сафига қабул қилинди. 2007 йилда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун мамлакат ва хорижий давлатларда тан олинган таниқли олим Д. Самойлов маслаҳатчилигида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертация ишига мамлакатнинг кўзга кўринган олимлари, архитектура



фанлари доктори, профессор, академик Юрий Петрович Бочаров ва техника фанлари доктори Николай Васильевич Оболенский оппонентлик қилди ва олимнинг илмий ишига юқори баҳо берилди.

2007–2009 йилларда Москва автомобиль йўл университетининг Транспорт иншоотлари факультети декани, 2009–2010 йилларда Қозон давлат архитектура-қурилиш университети кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатди. 2010–2011 ўқув йилининг бошидан Москва давлат қурилиш университетининг профессорлик вазифасига тақлиф қилинди. Москва ҳукумати шаҳарсозлик департаменти қошидаги Москва шаҳар экспериментал-лойиҳа илмий-тадқиқот институтининг бош мутахассиси лавозимида ишлади. Бу ерда И. Шукуровнинг ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони экани кўзга ташланди. Ўша даврда Россия, жумладан, Москва шаҳарсозлигининг долзарб масалаларига қаратилган муаммолар ўз ечимини топди. Жумладан, шаҳар автотураргоҳларини жойлаштириш бўйича янги метёрий ҳужжат ишлаб чиқилди. Шунингдек, И. Шукуров биринчилардан бўлиб, Москва шаҳри учун ўта долзарб масалалардан бири бўлган – турар жойларнинг реновациясига доир реновация назарияси ва шу муаммонинг математик аппаратини яратди. 2014 йилда у яна Москва давлат қурилиш университетига қайтиб, Шаҳарсозлиқни бошқариш ва кўчмас мулк иқтисодиёти институтини проректори, кафедра профессори лавозимда ишлади. Амалга оширган муҳим лойиҳалари туфайли 2017 йилда Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 23–29 декабрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси бошлиғи **Рустам Расулов**, Молия-иқтисод бўлими бошлиғи **Абубақир Саломов**, котибият бош мутахассиси **Улугбек Мўминжонов**, Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Назиржон Абдусаломов**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш қоидаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Икром Мелиқулов**, Худудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Муҳаммаджон Пармонов**,

“Ўзбекистон бунёдкори” НУ МЧЖ ҳайдовчиси **Иномжон Хўжақулов**,

“Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi” ДМ бош юрисконсульти **Хуснобод Абдурахимова**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича мутахассиси **Фахриябону Искандарова**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ етакчи муҳандиси **Дилшод Мирзабеков**, муҳандис-геолог **Икром Джумабаев**, “Шимоллий” филиали лойиҳа бош архитектори **Мангитбай Худайбергенов**, етакчи муҳандис **Фазилбек Казакбаев**, “Навий” филиали етакчи муҳандиси **Жавоҳир Эшнинёзов**,

“Ўзоғирсаноатлоийҳа” АЖ ООПРБ ҳайдовчиси **Умиджон Башируллаев**, ООТРПА гуруҳ раҳбари **Альбина Асфандиярова**, ООПР қоровули **Бакитжон Бейсабаев**, ОИСК муҳандиси **Одилжон Тоҳиров**, СОА бўлим бошлиғи **Нурдаулет Рисқулов**,

“O‘zshaharsozlik LIT” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Даврон Акрамов**, архитектор **Комил Рўзиев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп квартирали уйлари бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Қўятбай Нурекеев**, Шуманай тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Алишер Сапашов**, Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими матбуот котиби **Азизбек Дабылов**, етакчи мутахассис **Роза Туримбетова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассислари **Омирзақ Бердияров**, **Қуралбай Хамидуллаев**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси рақамли технологиялар бўйича бош мутахассиси **Шаҳбоз Ахатов**, Бош режаларга риоя этилиши устидан давлат архитектура назорати бўйича бош мутахассиси **Тўйчи Содикжонов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Бобир Қувандиқов**, мутахассис **Бехзод Умиров**,

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Назиржон Абдусаломов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош бухгалтер **Жаҳонгир Икромов**, Уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Ойбек Тўланбоев**, Архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассиси **Иззатжон Муроджонов**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Юксалиш-Келажак профессионал бошқарув компанияси” МЧЖ бош директори **Ибодат Холиқбердиева**, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги “Bezirtechniya kompaniya” БСК МЧЖ бош директори **Дилором Шамотова**, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Oniks-Kommunalchi” уй-жой мулкдорлари ширкати бош директори **Людмила Наливченко**валарини таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийхат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустахкам соғлиқ тилаймиз!



ЎТМОЙ-ЎТМОЙ GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидояттов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиiddин Эшқувватов,
Содиқ Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусакхх	Марҳамат Муслимонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзТАШҚИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 90-349-55-56.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 1241.
1748 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Эгамбердиев.

Ўза якуни – 22.25.
Топширилди – 23.00.

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сонини 30 декабрь куни чиқади.